

«ПАХТАКОР» – ЎН КАРРА ГОЛИБ

СПОРТ

8 август куни пойтахтимиздаги «Пахтакор» марказий стадионида Ўзбекистон кубогининг финал учрашуви бўлиб ўтди. Унда кейинги уч йилда мамлакат чемпионати ва кубоги ўйинларида ўзаро мurosасиз баҳс олиб бораётган Тошкентнинг «Пахтакор» ва «Бунёдкор» жамоалари учрашишди.



Хакам ва футболчилар майдонда саф тортишган, Давлат мадҳиями янгради. Кейин 1979 йил 11 август куни авиахалокатда ҳалок бўлган «Пахтакор» жамоаси аъзолари хотирасига бир дақиқа сукут сақланди. Чунки марҳум пахтакорчилар 30 йил муқаддам сўнгги учрашувини шу стадионда ўтказиб, Луганскинг «Заря» жамоаси устидан 3:1 ҳисобида қиройли ғалаба қозонишганди.

Ўйин бошидан пахтакорчилар шиддатли ҳужумлар уюштиришди. Шундай вазиятлардан бирида «Бунёдкор» ҳимоячиси Хайрулла Каримов «Пахтакор» ҳужумчиси Александр Гейнрихни ўйин қоида-сини бузган ҳолда тўхтади. Бу ўйин қоида-сини бузиш ҳакам томонидан қизил карточка билан жазоланди. Бу пахтакорчиларнинг ҳужумкорлигини оширди.

35-дақиқада пахтакорчиларнинг ўнг томондан давом эттириётган ҳужумини «Бунёдкор» ҳимоячиси тўғри майдондан қачиб юриши билан тўхтади. Мурад Холмухамедов аутдан тўғри жарима майдонига етказиб берди ва ҳимоячилар назоратсиз қолган Станислав Андреев аниқ зарба билан ҳисобни очди → 1:0. Албатта, бундан кейин ҳам пахтакорчиларда ҳисобни ошириш имконияти бўлди. «Бунёдкор» ҳам ҳисобни тенглаштириши мумкин эди. Лекин ўйин охиригача ҳисоб ўзгармади ва «Пахтакор» 17 бор ўтказилаётган мамлакат кубоги финалида кичик ҳисобда ғалабасини нишонлади.

Шу вақтгача мамлакат кубоги финалида «Пахтакор» 9 бор, «Навбахор» уч, «Нефтчи» икки, «Дўстлик» ва «Бунёдкор» бир мартадан голиб чиққанди. Пахтакорчилар Ўзбекистон кубогини ўнчидан бор қўлга киритишди.

ИККИНЧИ ДАВРА БОШЛАНДИ

Олий лига жамоалари 4-7 август кунлари мамлакат чемпионатининг 16-тур ўйинларини ўтказишди:

- «Пахтакор» — «Шўртан» — 4:1,
- «Сўғдиёна» — «Бунёдкор» — 0:3,
- «Динамо» — «Нефтчи» — 2:0,
- «Навбахор» — «Хоразм» — 2:0,
- «Андижон» — «Бухоро» — 2:1,
- «Локомотив» — «Қизилқум» — 2:1,
- «Металлург» — «Мағьал» — 1:1,
- «Насаф» — «Олмалиқ» — 2:1.

Иккинчи давранинг дастлабки

учрашувлари мurosасиз ўтди. Олти ўйинда мезбонлар, амига битта ўйинда меҳмон жамоа ғалаба қозонди. Бир ўйинда дуранг натижа қайд этилди. Шу боис 17-тур ўйинлари янада шиддатли кечигиша умид қил-сак бўлади.

(Ўз мухбиримиз)

СПОРТ

Хотира



Бундан 30 йил муқаддам — 1979 йил 11 август куни маҳаллий вақт билан соат 13 дан 35 дақиқа 38 сония ўтганда Тошкент — Гурьев — Донецк — Минск йўналишида учётган самолёт Челябинск — Воронеж — Кишинёв йўналишида учётган самолёт билан Днепрпетровск вилоятининг Курилловка кишлоғи осмонда, тахминан 8400 метр баландликда тўқнашиб кетди. Авиа-халокат натижасида иккала самолётдаги 13 нафар экипаж аъзоси ва 161 нафар йўловчи, жами 178 киши ҳалок бўлди. Бевақ ҳалок бўлганлар орасида «Динамо» (Минск) жамоаси билан чемпионатнинг навбатдаги учрашувини ўтказиш учун кетаётган «Пахтакор» футбол жамоасининг 17 нафар аъзоси ҳам бор эди.

Эз кунда рўй берган кучли портлашдан Днепрпетровск вилояти осмони, замини ларзага келди. Кейин Курилловка кишлоғи дала-ўрмонига самолёт парчалари, йўловчиларнинг куймай қолган, кучли шамолда учиб кетган айрим буюмлари ёға бошлади. Бу жойга етиб келган кишлоқ аҳли «Пахтакор» жамоаси журнали ва спорт кийимларини ҳам учратилган... Айнан ўша жойда, орадан 30 йил ўтиб 4 август куни «Пахтакор» жамоаси марҳум футболчилар хотирасига ўрнатилган ёдгорликнинг очилиш маросими бўлди. Унда марҳум

ЧУРКИН, спорт усталигига номзодлар — Сирожддин БОЗОРОВ, Владимир СОБИРОВ, Шухрат ЭШБУТАЕВ, жамоа врач — Владимир ЧУМАКОВ, жамоа маъмури — Мансур ТОЛИБЖОНОВ. Айниқса, августнинг муссафо кунларида беихтиёр осмонга тикиламиз. Ҳаҳон кўзларимиз осмонда. Оруларимиз, армонларимиз осмонда. Чиндан ҳам ўша даврда «Пахтакор» жамоаси футбол мухлисларининг умидига, қувончига айланганди. Ҳатто Ўзбекистондан бошқа жойда яшовчи мутахассислар ҳам «Пахтакор» ҳақида фикр билдирганда: «Бу жамоанинг келажаги порлоқ, яқин йилларда мамлакат чемпионати-

ларини алдаб ўтиб гол урганди. Олим Аширов — ҳимояда мустаҳкам турарди, вазиятни тўғри баҳоларди, рақиб ҳужумчисининг эркин ҳаракатига имкон қолдирмасди. Сергей Показиллов — ҳар жиҳатдан тўқис дарвозабон, пенальтиларни қайтариш қироли эди, бир ўйинда кетма-кет берилган учта пенальти зарбасини бартараф этганди. Шухрат Эшбутаев — ҳужум чизигида эндигина порлаётганди, тайёргарлик кўрмай кучли зарба бера оларди, дастлабки голларини киритганди. Хуллас, «Пахтакор»нинг бошқа футболчилари ҳам айни кучга тўлишган вақти эди.

ҚАЛЪЛАРИМИЗГА КЎЧГАН ЧАҚМОҚ

1979 йил 11 август куни ўчмас инсоният ёдидан!..

пахтакорчиларнинг яқин кишилари, Курилловка кишлоғи аҳли, «Пахтакор-79» жамоасини ҳали-ҳануз хотирасида эъзозлаб келаётган Украина, Белоруссия, Қозоғистон ва бошқа давлатларда истикомат қилаётган мухлислари, футбол жонқуярлари иштирок этишди. Ҳа, хотира унутилмайди. Ҳали-ҳануз «Пахтакор-79» жамоасининг яшил майдонда қиройли ўйинлари кўз ўнгимизда гавдаланади, тушларимизга қиради. Чунки бизнинг футболдаги орзуларимиз, умидларимиз шу жамоага боғланган эди. Уларни эсланганда ҳамон қуқимизда нимадир портлайди. Хотиранимизда марҳум пахтакорчиларнинг номинаном эспаймиз: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Идгай ТАЗЕТДИНОВ, халқаро микёсдаги спорт усталари — Михаил АН, Владимир ФЕДОРОВ, спорт усталари — Олим АШИРОВ, Константин БАКАНОВ, Юрий ЗАГУМЕННИХ, Александр КОРЧЕНОВ, Николай КУЛИКОВ, Владимир МАКАРОВ, Сергей ПОКАТИЛОВ, Виктор

да юқори ўринларни эгаллайди, УЕФА кубогида қатнашиб, Европани ҳам лол қолдиради», деб қўйишарди. Бу фикрларда асос бор эди. Михаил АН — ёшлар ўртасида Европа чемпионатининг олтин медали билан тақдирланган, жамоанинг ҳақиқий сардори эди, ўйин бошқарувини зиммасига оларди, керак пайтда тўғри ўзида ушлаб туриб, рақибларнинг уч-тўрт ўйинчисини алдаб ўтарди, бошқа вазиятда 40-50 метр узоқда турган жамоадошига тўғри аниқ узаётди, жарима ва бурчак тўғрисида қийинлик бажарарди. Владимир Федоров — Монреаль олимпиадасининг бронза медали билан шарафланган, дунёдаги тезкор ҳужумчилардан бири бўлиб, рақибларнинг бир неча ўйинчисини чаққон ҳаракатлари билан алдаб ўтиб, кучли зарба билан тўғри дарвозага жойларди, боши билан ҳам аниқ зарба йўналтирарди. Ҳатто, айрим учрашувларда ўз жарима майдони ёнида тўғри қабул қилиб, катта тезликда дерили барча рақиб ўйинчи-

Афсус... 1979 йил 11 августда рўй берган авиахалокат «Пахтакор»нинг ёркин юлдузларини осмонда олиб қолди. Лекин уларнинг хотираси қалби-мизда. Марҳум пахтакорчилар хотирасини абадийлаштириш учун Тошкентда, футболчилар туғилган туманларда ёдгорликлар ўрнатилди, қўчаларга номлари берилди. Ҳар йили болалар, ёшлар, хаваскор ва профессионал футболчилар ўртасида «Пахтакор-79» хотира мусобақалари ўтказилаяпти. Улар ҳақида марҳумлар, китоблар чоп этилаяпти, кўрсатувлар, фильмлар тайёрланапти, бари бир, кўнглимиз тўлмайди. Ахир, улар навқирон ёшда ҳаётдан кўз юмишди... Йиллар ўтаверди. «Пахтакор-79» футбол жамоаси мухлислар қалбида яшайверади. Яшил майдон узра олқишлар янграб экан, «Пахтакор-79» ҳам тилга олинаверади. Чунки ўша ёз кунинда самолётлар тўқнашшидан пайдо бўлган чақмоқ бизнинг қалбларга, футбол мухлислари кўнгли-ларига кўчди.

Асрор МҮМИН

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
ТАШҚИ ИҚTISODИЙ ФЛОЛИАТ
МИЛЛИЙ БАНКИ

«MERLIN GERIN» фирмасининг узлуксиз электр таъминоти манбаларида (UPS) аккумулятор батареяларини алмаштириш учун 75 а/соат сизимга эга, «Galaxi» 4x250 kva туридаги герметик ва хизмат кўрсатилмайдиган 417та ҳамда «Dawson Keith» дизель генераторлари учун ҳар бирининг сизими 200 а/соат бўлган стартер типидagi 4 та аккумулятор батареялари сотиб олиш бўйича очиқ тендер эълон қилади. Тендерда қатнашиш учун буюртманомалар (банк белгилаган шаклда) юридик шахслардан қабул қилинади. Бунда буюртманомага улгуржи савдо ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нусхаси илова қилиниши шарт.

Тендерда қатнашиш учун буюртманома юборган шахсларга тендер ҳужжатлари мазкур эълон чиққан санадан бошлаб 7 кун мобайнида берилади.

Олинган тендер ҳужжатлари асосида тайёрланган тижорат таклифлари (оферталар)ни қабул қилиш бу таклифлар қандай шаклда юборилганидан (почта орқали жўнатилгани ёки шахсан келтирилганидан) қатъи назар, мазкур эълон чиққан санадан кейин 15 календар куни ўтгач, Тошкент вақти билан соат 17-00 да тўхтатилади.

Буюртманома шаклини ва тендер ҳужжатларини олиш, шунингдек, тижорат таклифлари (оферталар)ни юбориш учун манзил:

100084 Ўзбекистон Республикаси,
Тошкент шаҳри, Амир Темуր кўчаси, 101.
«Ўзмиллийбанк бoш маъмурий биноси. Телефон: 234-14-46»

Адоқда бўлувчи шахс: Бобков Михаил Афанасьевич

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан 2008 йил 27 август куни яқка тартибдаги тадбиркор Маҳбуба Эсановна Каримова номига берилган реестрдаги тартиб 1005449 рақами бўлган 10-03825 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«MUNITSIPAL AUKSION MARKAZI» MChJ

TANLOV SAVDOSIGA TAKLIF ETADI

binolardan iborat) poliklinika binosi. Boshlang'ich narhi 1 543 397 347,5 so'm. Sarmoya miqdori 900 000 000 so'm. Zakalat 308 679 470 so'm.

3. Toшkent shahri, Bektemir tumani, «Binokor» qo'rg'onida joylashgan umumiy qurilish maydoni 2607 kv.m. bo'lgan bolalar bog'chasi binosi bir qavatli bino texnik erto'las bilan. Boshlang'ich narhi 218 372 004,6 so'm. Sarmoya miqdori 600 000 000 so'm. Zakalat 43 674 400 so'm.

Tanlov talablari:
— Eng yuqori sotib olish narhini taklif

2009 yilning 22 sentyabr, 6 va 20 oktyabr kunlari o'tkaziladigan savdolariga sotilgunga qadar qo'yiladi.

Savdolarida qatnashish uchun yuqorida ko'rsatilgandan kam bo'lmagan miqdordagi zakalat puli «Munitsipal auktsion markazi» MChJ ning AKB lpak Yo'li dagi MFO 00444, STIR 300053338, 2020800010455055002 hisob raqamiga o'matligan tartibda to'lanadi.

Buyurtma qabul qilish savdo kuni 13-00da to'xtatiladi.

Savdo g'olligiga savdo kundan boshlab yigirma kun muddat ichida oldi-sotdi shartnomasini imzolash, shartnoma tuzilgunga qadar to'langan zakalat

miqdori, sotib olish to'lovi miqdoringin 15 foizidan kamini tashkil etgan taqdirda yetishmayotgan summamni to'lab berish shartlari yuklatiladi.

Manzil: Toshkent shahri, Shayhontohur tumani, M-14, 19-uy.
Aloqa telefoni: 244-88-02, 244-88-04. Elektron pochta: auktsion@bk.ru

Shuningdek, o'tkazilgan auktsion savdolarida «Toshqishloq» OAJning 1990 yilgi «GAZ-66» a/v 1150000 so'mga, «Toshkent sh. Yo'li qurilish-ta'mirlash trest»ning 1996 yilgi to'rtta «KamAZ-5511» a/v 11 350000, 11 000000, 10 600000 va 12 000000 so'mga, 1985 yilgi «KamAZ-53213» a/v 17 800000 so'mga sotildi.

Guvoҳnoma: № 001568 – 09

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asiddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afur HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihidin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALO DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti
233-10-13
Madaniyat va sport
233-69-45,
(Tel. faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot
233-20-36,
233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot
233-12-56
Reklama va e'lonlar
233-38-55,
233-47-80
Mas'ul kotib
233-72-83,
236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonamanzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma tabaq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

1 — 749
7876 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'za yakuni — 21.15
Toshirilgan vaqti — 01.15
1 2 3 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda